

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил январь ойининг 18 кунда, жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: А.Абдураззаков;

А.Азамовнинг котиблигида,

томонлардан Жомбой туман прокурорининг ёрдамчиси С.Собировнинг иштирокида,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «а, б» бандлари, 28,211-моддаси 2-қисмининг «а» банди, 227-моддаси 2-қисмининг «а» банди, 228-моддаси 2-қисмининг «а, б» бандлари ва 228-моддасининг 3-қисми билан судланувчи Абдирайимов Фарҳоджон Ҳусан ўғлига нисбатан юритилган 1-1406-2301/7-сонли жиноят ишини кўрди.

Судланувчи Абдирайимов Фарҳоджон Ҳусан ўғли, 1992 йил 6 майда Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, соғлом, муқаддам судланмаган, оилали, бир нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, ишсиз, Жомбой туман, Жомбой шаҳар, Самарқанд маҳалласи, Улуғбек кўчаси, 1-берк кўча, 12-уйда яшаган, «қамокқа олиш» тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, 2022 йил 27 ноябрь кунидан «қамок»да сақланмоқда, айблов хулосасининг нусхасини 2023 йил 4 январь куни олган.

Суд, судланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини атрофлича таҳлил қилиб, гувоҳларнинг кўрсатувларига ҳуқуқий баҳо бериб, тарафларнинг музокараси, судланувчининг музокара сўзи ҳамда охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Абдирайимов Фарҳоджон Ҳусан ўғли, қисми алоҳида иш юритувга ажратилган шахс ва судланган Рахмонов Нодирбек Ёдгор ўғли (2022 йил 18 октябрда жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди томонидан ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «а, б» бандлари ва 228-моддаси 2-қисмининг «б» банди билан судланган) билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, Н.Рахмонов ва Ф.Абдирайимовлар МДХ мамлакатлари олий ўқув юртларига ўқиш истагида бўлган ёки таҳсил оладиган талабаларни аниқлаб, уларни алдаб, ўқишга киритиш ва ўқишларини кўчиришни ваъда қилиб, пул маблағларини қўлга киритиш, уларни ишонтириш учун қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш ва жабрланувчиларга тақдим қилишни режалаштиришиб, фирибгарлик йўли билан фуқароларнинг пул маблағларини қўлга киритиш билан шуғулланишган.

Жумладан, судланувчи Абдирайимов Фарҳоджон Ҳусан ўғли, қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахс ва судланган Рахмонов Нодирбек Ёдгор ўғли билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, такоран, фуқаро Ашурова Мехри Ахтамовнага уни алдаб, Қозоғистон Республикаси Чимкент шаҳридаги Тиббиёт Институтида таҳсил олаётган ўғли



Саноев Рамшид Хусниддин ўғлининг ўқишини Бухоро шаҳридаги Абу Али Ибн Сино номли Тиббиёт Институтига кўчириб беришни ваъда қилиб, ишончини суиистеъмол қилиб, 2021 йил 07 февраль кунидан 25 февраль кунига қадар бўлган вақт оралиғида, Бухоро шаҳри ҳудудида фирибгарлик йўли билан Н.Рахмонов орқали М.Ашурованинг 130.210.200 сўм кўп миқдордаги қийматга тенг бўлган 12.000 АҚШ долларини қўлга киритган ва Ф.Рахманова томонидан тайёрланган Абу Али Ибн Сино номли Тиббиёт Институтидан Чимкент Тиббиёт институти раҳбарияти номига Р.Саноевнинг ўқиши Абу Али Ибн Сино номли Тиббиёт Институтига кўчирилганлиги тўғрисидаги 02.11.2022 йилдаги 02/02-1 167-100-чиқиш рақами билан тайёрланган қалбаки алоқа хати ксеро нусхасини М.Ашуровага тақдим қилишган.

Бундан ташқари, судланувчи Абдирайимов Фарҳоджон Хусан ўғли, 2021 йил январь ойида фуқаро Исакулов Шухрат Ганикуловичга уни алдаб, қизи Имомова Фарангиз Шухрат қизини 1.000 АҚШ доллари эвазига Қозоғистон Республикаси Чимкент вилоятидаги «Мухтор Авезов» номли Иқтисодиёт Университетига ўқишга киритишни, кейинчалик 2.500 АҚШ доллари эвазига ўқишини Ўзбекистон Республикасидаги Самарқанд Давлат Иқтисодиёт ва сервис институтининг 1-босқичига шу институтда ишловчи мансабдор танишига пора бериш йўли билан кўчириб беришни ваъда қилиб, Ш.Исакуловни пора беришга қизиқтириб, ишончига кириб, Ф.Имомованинг муҳим шахсий ҳужжатлари ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик паспортини ҳамда 2010 йилда Жомбой Маиший касб-хунар коллежи томонидан берилган дипломини ғаразғўйлик ва бошқа паст ниятларда эгаллаб, 2021 йил февраль ойида, Ш.Исакуловдан 10.530.830 сўм қийматга тенг бўлган 1.000 АҚШ долларини олиб, 2021 йил апрель ойида унга қизи Ф.Имомова ўқишга қабул қилинганлигини, эндиликда ўқишини Самарқанд Давлат Иқтисодиёт ва Сервис Институтига кўчириб беришни ваъда қилиб, ундан яна 26.182.675 сўм қийматга тенг бўлган 2.500 АҚШ долларини олиб, фирибгарлик йўли билан Ш.Исакуловнинг жами ҳисобда 36.713.505 сўм анча миқдордаги қийматга тенг бўлган 3.500 АҚШ долларини қўлга киритган.

Шундан сўнг, Абдирайимов Фарҳоджон Хусан ўғли қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахс иккаласи Самарқанд ИСИнинг «Таълимнинг сиртқи ва кечки шакли бўйича Мутахассис тайёрлаш ва икки томонлама шартнома» қалбаки бланкасини тайёрлашиб, Ф.Имомовани Самарқанд Иқтисодиёт ва Сервис институтида «Иқтисодиёт» таълим йўналиш тизими бўйича «Бакалавр» даражасида тайёрлаш тўғрисида 2022 йил 28 январдаги 429-сонли қалбаки шартномани тайёрлаб, интернет ижтимоий тармоғининг «Телеграмм» дастури орқали Ш.Исакуловга уни ишонтириш мақсадида юборган.

Шунингдек, судланувчи Абдирайимов Фарҳоджон Хусан ўғли, қисми алоҳида иш юритувга ажратилган шахс билан бир гуруҳ бўлиб, такроран, 2021 йил октябрь ойининг бошларида Жомбой туман, «Дехқон бозори» ҳудудида жойлашган «офиси»да фуқаро Мамаюсупова Насиба Нематуллаевнага уни алдаб, Қозоғистон Республикаси Узлуксиз таълим Тиббиёт Институти «Умумий тиббиёт» факультетининг 1-босқичида «онлайн» тарзда ўқиётган қизи Аъзамова Шаҳодат Алижон қизининг ўқишини Олий



таълим Вазирлигида ишловчи мансабдор танишига пора бериш йўли билан Самарқанд Давлат Тиббиёт Институтининг 2-босқичига кўчириб беришини ваъда қилиб, Н.Мамаюсуповани пора беришга қизиқтириб, унинг ишончига кириб, Ш.Аъзамованинг муҳим шахсий ҳужжатлари ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик паспортини, 2019 йилда Жомбой туман 46-сонли ўрта умумий таълим мактаби томонидан берилган шаходатномасини ва чет элга чиқиш паспортини ғаразғўйлик ва бошқа паст ниятларда эгаллаб, 2021 йил 20 октябрь куни Н.Мамаюсупованинг Жомбой туман, Сарой маҳалласи, Айғиртепа қишлоғидаги яшаш уйида, фирибгарлик йўли билан Н.Мамаюсупованинг 39.063.431 сўм 5 тийин анча миқдордаги қийматга тенг бўлган 3.650 АҚШ долларини қўлга киритган.

Шундан сўнг, Ф.Абдирайимов қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахс билан, такроран, 2021 йил ноябрь ойида Самарқанд Давлат Тиббиёт институти раҳбарияти номидан Ш.Аъзамованинг ҳужжатларини Самарқанд Давлат Тиббиёт институтига юбориш сўраб ёзилган қалбаки алоқа хатини Н.Мамаюсуповага такдим қилиб, қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахс Н.Мамаюсупова билан ижтимоий тармоқ орқали боғланиб, ўзини қизининг ўқишини кўчириш билан шуғулланувчи мансабдор шахс сифатида таништириб, 2022 йил январь ойида у билан Самарқанд Давлат Тиббиёт Институти ҳудудида учрашиб, унга Ш.Аъзамованинг ўқиши СамДТИга кўчирилганлигини айтиб, алдаб келишган.

Шу каби, судланувчи Абдирайимов Фарҳоджон Ҳусан ўғли, қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахс ва судланган Рахмонов Нодирбек Ёдгор ўғли билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, такроран, 2021 йил ноябрь ойида фуқаро Туракулов Умид Тождиддин ўғлига уни алдаб, ўқишини Қирғизистон Республикасидаги Халқаро Университетнинг юридик факультетидан Нукус давлат Университетининг юридик факультетига кўчириб беришни ваъда қилиб, ишончини суиистеъмол қилиб, Бухоро вилояти Вобкент тумани марказида жойлашган «Шаршара» ошхонасининг олдида, фирибгарлик йўли билан Н.Рахмонов орқали У.Туракуловнинг 38.653.416 сўм анча миқдордаги қийматга тенг бўлган 3.600 АҚШ долларини қўлга киритган.

Худди шунингдек, судланувчи Абдирайимов Фарҳоджон Ҳусан ўғли, қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахс ва судланган Рахмонов Нодирбек Ёдгор ўғли билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, такроран, 2022 йил 05 январь куни, фуқаро Каримова Муқаддам Давроновнага уни алдаб, Қирғизистон Республикаси Жалолобод шаҳридаги тиббиёт институтининг 1-босқичида таҳсил олаётган қизи Нематова Юлдуз Абдумажид қизининг ўқишини Бухоро шаҳридаги Абу Али Ибн Сино номли Тиббиёт Институтига кўчириб беришни ваъда қилиб, ишончини суиистеъмол қилиб, Бухоро шаҳар Ж.Икромий кўчасидаги савдо дўконининг олдида, фирибгарлик йўли билан Н.Рахмонов орқали 59.508.185 сўм анча миқдордаги қийматга тенг бўлган 5.500 АҚШ долларини қўлга киритган.

Шу билан биргаликда, судланувчи Абдирайимов Фарҳоджон Ҳусан ўғли, қисми алоҳида иш юритувга ажратилган шахс билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, такроран, 2022 йил январь ойининг



бошларида, Жомбой тумани «Деҳқон бозори» худудида жойлашган «офиси»да Қозоғистон Республикаси Чимкент Давлат Университети «Бошланғич таълим» факультетининг 1-босқичида «онлайн» тарзда ўқиётган Марданова Насиба Келдиёровнага уни алдаб, унга Ўзбекистон Республикаси Таълим вазирлиги тизимида ишловчи мансабдор танишига пора бериш йўли билан ўқишини Тошкент шаҳридаги Низомий номли Давлат Педагогика Институтининг «Бошланғич таълим» факультетига кўчириб беришни ваъда қилиб, Н.Мардановани пора беришга қизиқтириб, унинг ишончига кириб, Н.Марданованинг муҳим шахсий хужжати ҳисобланган 2005 йилда Жомбой туман 17-сонли ўрта умумий таълим мактаби томонидан берилган шаходатномасини ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятларда эгаллаб, 2022 йил январь ойининг бошларида, Жомбой тумани «Деҳқон бозори» худудидаги «офиси»да, фирибгарлик йўли билан Н.Марданованинг 37.926.735 сўм анча миқдордаги қийматга тенг бўлган 3.500 АҚШ долларини қўлга киритган.

Н.Марданова ўқиши Низомий номли Давлат Педагогика Институтига кўчирилмаганлигидан хабар топгач, 2022 йил март ойида, Ф.Абдирайимов қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахс билан, Н.Мардановани Тошкент вилоятидаги Чирчиқ Давлат Педагогика Институтига олиб келиб, шу ерда қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахс Н.Мардановага ўзини ушбу институт ўқитувчиси сифатида таништириб, эндиликда унинг ўқишини Чирчиқ ДПИга кўчириб беришни ваъда қилиб, уни алдаб, уни ишонтириш мақсадида, такроран, Чирчиқ ДПИнинг қалбакилаштирилган муҳри босилган, санаси ва тузилган жойи кўрсатилмаган, реквизитлари тўлдирилмаган, институт ректори ва бош ҳисобчисининг имзолари қалбакилаштириб қўйилган, 1349-сонли «Тўлов-контракт асосида мутахассис тайёрлаш» контракт бланкасини Н.Мардановага тақдим қилиб, ярим йиллик контракт тўлов пули сифатида ундан яна фирибгарлик йўли билан 3.736.315 сўм пул маблағини олиб, кейинчалик ушбу пул маблағини Халқ банкининг Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур филиали орқали 2022 йил 11 март куни контракт тўлови сифатида институтнинг ҳисоб рақамига ўтказилганлиги ҳақида қалбаки банк паттасини тайёрлаб, ижтимоий тармоқнинг «Телеграмм» дастури орқали Н.Марданованинг уяли телефонида жўнатишган.

Шу қатори, судланувчи Абдирайимов Фарҳоджон Ҳусан ўғли, такроран, 2021 йил сентябрь ойининг охирларида, жабрланувчи Джураева Дилбар Рашидовнанинг Жомбой тумани А.Қурбонов маҳалласи, Ғ.Ғулом кўчаси, 19-сонли яшаш уйига бориб, Д.Джураевага уни алдаб, ўғли Болтаев Нодирбек Абдуназар ўғлини Қозоғистон Республикаси Чимкент Давлат Университети ҳуқуқшунослик факультетининг 2-курсига ўқишга киритишини ваъда қилиб, ўзи ҳам Қозоғистонда ўқиётганлигини билдириб, унинг ишончига кириб, Н.Болтаевнинг муҳим шахсий хужжатлари ҳисобланган Жомбой Маиший касб-ҳунар коллежини битирганлик ҳақидаги дипломини ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги паспортини ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятларда эгаллаб, фирибгарлик йўли билан 2021 йил октябрь ойининг бошларида, 32.106.930 сўм қийматга тенг бўлган 3.000 АҚШ долларини, 2022 йил январь ойида 4.334.484 сўм қийматга тенг бўлган 400 АҚШ долларини, 2022 йил март ойида эса 3.420.063 сўм қийматга тенг бўлган 300 АҚШ долларини, жами



умумий ҳисобда 39.861.477 сўм анча миқдордаги қийматга тенг бўлган 3.700 АҚШ долларини қўлга киритган.

Шундан сўнг, Абдирайимов Фарҳоджон Ҳусан ўғли такроран, Болтаев Нодирбек Абдуназар ўғли М.Авезов номли Жанубий Қозоғистон Давлат Университетининг Юриспруденция факультетига ўқишга қабул қилинганлиги ҳақида Университет қабул комиссиясининг 25.08.2020 йил санаси қўйилган 29с-сонли қалбаки буйруғини, шу Университетнинг Инновацион технологиялар таълими институтининг 2-курсида юриспруденция мутахассислиги бўйича сиртқи бўлимда ўқиётганлиги ҳақида 19.10.2021 йил санаси қўйилган 4264-рақамли қалбаки маълумотномани ва Н.Болтаевнинг 2-курс студентлигини тасдиқловчи 2020 йил 14 октябрь санаси қўйилган 325-рақамли қалбаки студент билетини тайёрлаб, қалбакилаштирилган муҳрини қўйиб, Д.Джураевага тақдим қилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Абдирайимов Фарҳоджон Ҳусан ўғли, айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб, 2021 йил апрель-май ойларида «ГЛОБАЛ ЛЕВАЛ АП» МЧЖни ташкил қилиб, ушбу МЧЖ фаолиятини юритганлиги, МЧЖ фуқароларни чет давлатларига ўқишга юборишга йўналтириш фаолияти билан шуғулланганлиги, аммо ушбу МЧЖни чет давлатларидаги олийгоҳларга ўқишга киритиш ёки улардан Ўзбекистон Республикасидаги олийгоҳларга ўқишни кўчириш ваколати бўлмаганлиги, МЧЖни Жомбой тумани А.Қурбонов маҳалласида жойлашган деҳқон бозоридаги офисида юритганлиги, фуқароларни ҳам айнан шу жойда қабул қилганлиги, 2019 йилдан Қозоғистон Республикаси Чимкент шаҳрида жойлашган Халқлар Дўстлиги Университетининг «Нефт, газ казиб олиш ва қайта ишлаб чиқариш» факультетида ўқиши, 2021 йилнинг охиридан фуқароларни чет эл, яъни Қозоғистон Республикасида жойлашган олий ўқув юртларига талабалikka қабул қилинишида ёрдамлашиш ва ўқишларини Ўзбекистон Республикасидаги олий ўқув юртларига кўчириш билан шуғулланганлиги ва шу мақсадда МЧЖ ни очиб ишлаганлиги, Каттақўрғон шаҳридан бўлган Рахманова Феруза Нагматиллаевна билан 2021 йил октябрь ойида Самарқанд шаҳри худудида танишганлиги, у фуқароларни Чет давлатларга ўқишга киритиш ва ўқишларини Ўзбекистон Республикасидаги олийгоҳларга кўчириш билан шуғулланишини айтган бўлганлиги ва у ҳам шу соҳага яқин МЧЖни юритаётганлигидан хабар топиб, унга у билан ишлашни таклиф қилганлиги, таклифига рози бўлганидан сўнг, Ф.Рахманова танишлари орқали фуқароларни ўқишга киритиш ва ўқишини кўчириш, у эса унга ўқишга кириш ёки ўқишини кўчириш учун одам топиб бериш билан шуғулланишга келишганлиги, Ф.Рахманованинг ҳақиқатан ҳам фуқароларни ўқишга кирита олишига ва ўқишини Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасаларига кўчиришига ишонганлиги, 2021 йил январь ойида Ш.Исакуловга Қозоғистонга олий ўқув юртига ўқишга кириш истагида бўлган танишлари бўлса, ўқишга киритиб, кейин Ф.Рахманова орқали Ўзбекистондаги олий ўқув юртларига ўқишини кўчириб бера олишини айтганлиги, Ш.Исакулов қизи Ф.Имомовани Чимкент вилоятидаги Мухтор Авезов номли Иқтисодиёт Университетига ўқишга киритмоқчи эканлигини айтиб, ёрдам сўраганлиги, унга қизини 1000 АҚШ доллари эвазига шу



Университетга ўқишга киритишини, бир йил ўтгач ўқишини Самарқандга Давлат Университети ёки Самарқанд Иқтисодиёт ва Сервис Институтига 2500 АҚШ доллари эвазига кўчириб беришга ёрдамлашини, хизмат ҳақи ҳам шу пулларнинг ичида бўлишини айтганлиги, Ш.Исакулов рози бўлиб, 2021 йил февраль ойида унга 1000 АҚШ доллари, Ф.Имомованинг фуқаролик паспортини ва Жомбой Маиший касб-хунар коллежи дипломини берганлиги, пул ва ҳужжатларни ўз яшаш уйида олганлиги, кейин Ф.Рахмановага пуллар ва ҳужжатларни Самарқанд шаҳри ҳудудида берганлиги, 2021 йил апрель ёки май ойида, Ф.Рахманова унга Ш.Исакуловнинг қизи ўқишга кирганлигини хабар қилгандан сўнг, Ш.Исакуловга қўнғироқ қилиб, қизи ўқишга кирганлигини айтганлиги, сўнг, Ш.Исакулов қизи ўқишга кирганлигига ишониб, ўқишини Ўзбекистонга кўчириб бериши учун 2021 йил май ойида олдин келишганидек унга 2500 АҚШ долларини берганлиги, мазкур пулларни ўз яшаш уйида олганлиги, ушбу пулдан ўзига 200 АҚШ долларини олиб қолиб, қолган 2.300 АҚШ долларини Ф.Рахмановага Самарқанд шаҳри ҳудудида берганлиги, 200 АҚШ долларини шахсий эҳтиёжларига сарфлаганлиги, Ф.Рахмановага ишониб. Ш.Исакуловга қизининг ўқиши Самарқанд Иқтисодиёт ва Сервис Институтига кўчирилганлигини айтиб, Ф.Рахманова унга ижтимоий тармоқ орқали ташлаб берган шартномани ижтимоий тармоқнинг «Телеграмм» мессенжери орқали Ш.Исакуловга юбориб, ярим йиллик шартнома пулини институтга тўлаб беришларини айтганлиги, кейин Ш.Исакуловнинг қизини Ф.Рахманова ўқишга киритмаганлиги аниқланиб, Ш.Исакулов пулларини қайтариб беришини талаб қила бошлаганлиги, унга пулларни Ф.Рахмановага берганлигини айтганлиги, аммо, Ш.Исакулов пулларни ундан ўзи ваъда қилиб олганлиги учун айнан ундан талаб қилганлиги, ундан олган ҳужжатларини кейинчалик, оила аъзолари Ш.Исакуловга қайтариб беришганлиги, айти шундан ота-онаси Ш.Исакуловга етказилган зарарни бартараф этишганлиги; бундан ташқари, Мамаюсупова Насиба Нематуллаевна 2022 йил октябрь ойининг бошларида, Жомбой туман «Дехқон бозори» даги офисига келиб, Қозоғистон Узлуксиз Таълим Тиббиёт Университетига ўқишга кирган қизи Аъзамова Шаҳодатни ўқишини Самарқанд Тиббиёт Институтига кўчиришда ёрдам сўраганлиги, унга шу иш билан шуғулланадиган танишлари борлигини айтиб, қизининг ўқишини кўчиришга ёрдамлашини, хизмат ҳақи 3.650 АҚШ доллари бўлишини айтганлиги, Н.Мамаюсупова рози бўлиб, 2021 йил октябрь ойининг охирида яшаш уйида унга 3.650 АҚШ долларини берганлиги, ушбу пулларни 200 АҚШ долларини ўзида олиб қолиб, қолган 3.300 АҚШ долларини Ф.Рахмановага Тошкент шаҳрига олиб бериб бериб, Ф.Рахмановага Н.Мамаюсупованинг телефон рақамини ҳам берганлиги, деярли ҳар сафар Ф.Рахманова у топган одамларнинг телефон рақамини олиб қолиб, ўзи ҳам гапаштишини айтганлиги, Ф.Рахманованинг ўзи Н.Мамаюсупова билан уяли телефон орқали қизининг иши ҳақида гаплашганлиги, лекин Ф.Рахманова унга нимани ваъда қилиб, нима ҳақида гаплашганлигини билмаслиги, шу билан бирга, Н.Мамаюсупованинг қизи Ш.Аъзамованинг фуқаролик паспортини, Жомбой туман 46-сонли ўрта умумий таълим мактаби томонидан берилган шаҳодатномасини ва чет элга чиқиш паспортини ҳам олиб, ушбу



хужжатларни ҳам Ф.Рахмановага берган бўлганлиги, кейинчалик, ушбу хужжатларни оила аъзоларим Н.Мамаюсуповага қайтариб беришганлиги, Н.Мамаюсупова пластик картасига 150 АҚШ доллари ҳисобидан 1.700.000 сўм пулни қизининг хужжатлари Қозоғистон Республикасидан келган вақтда, почта хизмати учун ташлаб берган бўлганлиги, қизини Ф.Рахманова ўқишга киритмаганлиги аниқлангандан сўнг, Н.Мамаюсупова 3.650 АҚШ долларини қайтаришини талаб қилганлиги, Н.Мамаюсуповага берган хужжатларни Ф.Рахманова унга юборганлиги боис, унга ишонганлиги, хужжатлар сохта эканлигини билмаганлиги, айтилган вақтда ота-онаси Н.Мамаюсуповага етказилган зарарни бартараф этишганлиги; шунингдек, 2021 йил декабрь ойининг охирида Жомбой тумани «Дехқон бозори» худудида жойлашган офисида Марданова Насиба Келдиёровна унга Қозоғистон Республикаси Чимкент Давлат Университети «Бошланғич таълим» факультетининг 1-босқичида ўқиётганини айтиб, ўқишини СамДУга кўчириб беришини сўраганлиги, унга СамДУга кўчириб бера олмаслигини, Тошкент шаҳридаги Низомий номли Давлат Педагогика Институтининг «Бошланғич таълим» факультетига кўчириб бериши мумкинлигини айтиб, хизмат ҳақи 3.500 АҚШ доллари бўлишини билдирганлиги, 2022 йил бошларида, Н.Марданованинг уйда ундан 3.500 АҚШ долларини ва Жомбой туман 17-сонли ўрта умумий таълим мактаби томонидан берилган шаҳодатномасини олиб, ўз хизмат ҳақи сифатида 300 АҚШ доллари олиб қолиб, қолган 3.200 АҚШ доллари ва хужжатларини Ф.Рахмановага Тошкент шаҳрига олиб бориб берганлиги, Ф.Рахманова ундан пулларни олгач, тез кунда ишни ҳал қилиб, унга жавобини айтишини ваъда қилганлиги, 2022 йил февраль ойигача Н.Марданова билан телефонлашиб турганлиги, Ф.Рахманова Н.Мардановани ўқишини Низомий номли Давлат Педагогика Институтига кўчириб бера олмаганлигидан хабар топганидан сўнг, 2022 йил март ойида, Ф.Рахманова унинг ўқишини Тошкент вилоятидаги Чирчиқ Давлат Педагогика Институтига кўчириб бермоқчи бўлганлиги, шахсан ўзи Н.Марданова билан биргаликда Чирчиқ шаҳрига бориб, уни Ф.Рахманова билан учраштирганлиги, у бино ховлисида Н.Мардановани олиб кириб кетганлиги, Ф.Рахманова унга ўзини институт ўқитувчиси деб таништириб, унга Чирчиқ Давлат Педагогика Институтининг «Тўлов-контракт» шартномасини бериб, ярим йиллик контракт пулини тўлашини айтгандан сўнг, Н.Марданова контракт тўлови учун 3.736.315 сўм пул берганлигини айтиб, у шартномани олиб чиқиб унга ҳам кўрсатган бўлганлиги, орадан вақт ўтиб, Ф.Рахманова ушбу пул институтнинг ҳисоб рақамига ўтказилгани ҳақида банкнинг паттасини телеграмм орқали юборганлиги, ўз ўрнида ўзи ҳам ушбу паттани Н.Мардановага ташлаб берганлиги, Ф.Рахманова шартнома бланкасини кимдан олгани, институт муҳрини қандай қўйганлигини, қалбаки бўлса қаерда ясалтирилганлигини, банк паттасини қандай қалбакилаштирилганлигини билмаслиги, Ф.Рахмановага бу одам охириги бўлишлигини, шундан кейин бундай ишларга бошқа аралашмаслигини айтганлиги, лекин, Н.Мардановадан мазкур пулларни олиши жараёнида, унга ушбу пулларни мансабдор танишига беришлигини айтмаганлиги, Н.Мардановага берган хужжатларни Ф.Рахмановадан олган бўлганлиги, ушбу хужжатларни сохта эканлигини билмаганлиги, айтилган вақтда



ота-онаси Н.Мардановага етказилган зарарни бартараф этишганлиги; шу каби, Джураева Дилбар Рашидовнадан ўғли Болтаев Нодирбекни М.Авезов номли Чимкент давлат Университети юридик факультетига ўқишга киритишни ваъда қилиб, коллеж дипломи ва фуқаролик паспортини олиб, 2021 йил октябрь ойи бошида 3.000 АҚШ доллари, 2022 йил январь ойида 400 АҚШ доллари, 2022 йил март ойида 300 АҚШ доллари олганлиги, олган жами 3.700 АҚШ долларидан хизмат ҳақи сифатида 2.450 АҚШ долларини олиб қолиб, қолган 1.250 АҚШ доллари ва ҳужжатларни Қозоғистон Республикасига олиб бориб тўлов қилиб шартнома тузганлиги, шу боис, Н.Болтаев ҳақиқатан ҳам ўқишга қабул қилинганлиги, унга М.Авезов номли ЖҚДУ юриспруденция факультетига қабул қилинганлиги ҳақида 25.08.2020 йилги 29с-сонли буйруқнинг кўчирма нусхаси, шу Университетнинг Инновацион технологиялар таълими институтининг 2-курсида юриспруденция мутахассислиги бўйича сиртқи бўлимда ўқиётганлиги ҳақида 19.10.2021 йилги 4264-рақамли маълумотнома, Н.Болтаев 2-курс студентлигини тасдиқловчи 325-рақамли студент билетини Д.Джураевага ўзи Қозоғистон Республикасидан олиб келиб берганлиги, бу ҳолатга Ф.Рахманованинг умуман алоқаси йўқлиги, Н.Болтаев ҳақиқатан ҳам ўқишга кирганлиги боис, унинг коллеж дипломи ҳозирда ҳам ушбу олийгоҳда сақланаётганлиги, аммо, ушбу олийгоҳнинг ўзини ички муаммолари боис, кейинчалик уни ўқишга кирганлиги тасдиқланмасдан, ўқишга кирганлар рўйхатидан Н.Болтаевнинг фамилияси чиқмаганлиги, Д.Джураевага берган ҳужжатларни Қозоғистон Республикасидан олиб келган бўлиб, сохта эканлигини билмаганлиги, айти вақтда ота-онаси Д.Джураевага етказилган зарарни бартараф этишганлиги; худди шунингдек, 2021 йил ноябрь ойида Бухоро вилоят Вобкент туманидан бўлган Қозоғистонда ўқийдиган таниши Н.Рахмонов билан қўшни давлатларда ўқийдиган талабаларни ўқишини Ўзбекистон Республикасидаги олийгоҳга кўчириб бериш билан шуғулланганлиги, Н.Рахмонов билан ўқишини кўчирмоқчи бўлган талабаларни топиш ва улардан бунинг учун пул олиш билан, Ф.Рахманова эса ушбу ишни танишлари орқали амалга оширишини режалаштиришганлиги, Бухоро вилояти ҳудудида яшовчи яна уч нафар фуқародан Н.Рахмонов ҳамда Ф.Рахманова билан уларнинг фарзандларини ўқишини қўшни давлатлар олий ўқув юртларидан Ўзбекистондаги олий ўқув юртларига кўчириб беришни ваъда қилиб пулларини олишда иштирок этганлиги, Н.Рахмонов билан Қозоғистон Республикаси Чимкент шаҳридаги «Ўрда» Университетида ўқиб юрганида танишганлиги, 2021 йил сентябрь ойларида «Глобал Левал АП» консалтинг фирмасини ташкил қилиб, ўқувчиларни чет эл олийгоҳларига ўқишга киритиш ва ўқишларини Ўзбекистонга кўчириш билан шуғулланиши ҳақида Н.Рахмоновга айтиб, унга ўқишини кўчирмоқчи бўлган ҳар бир топган талабаси учун хизмат ҳақини беришимни айтганлиги, сўнг Н.Рахмонов 2021 йил октябрь ойининг ўрталарида Вобкент туманидан Қирғизистон Республикасидаги Халқаро Университетнинг юридик факультетида ўқиётган Туракулов Умид Тожиддин ўғлини топиб, унинг ўқишини Нукус давлат Университетининг юридик факультетига кўчириб беришни ваъда қилиб ундан 3.600 АҚШ долларини олганлиги, Н.Рахмонов У.Туракуловдан олган пулдан унга 3.000 АҚШ доллари берганлиги, ўзи эса ушбу пуллардан 200 АҚШ



доллари олиб қолиб, қолган 2.800 АҚШ долларини Ф.Рахмановага берганлиги, ўзи шахсан У.Туракулов билан учрашмаганлиги, У.Туракуловга берган хужжатларни Ф.Рахмановадан олган бўлганлиги, ушбу хужжатларни сохта эканлигини билмаганлиги, У.Туракуловга етказилган зарар Н.Рахмонов томонидан қопланганлиги; шу қатори, Н.Рахмонов 2021 йил январь ойининг бошларида Бухоро вилояти Когон шаҳрида яшовчи Каримова Муқаддамдан унинг Қирғизистон Республикаси Жалолобод шаҳридаги Тиббиёт институтида ўқийдиган қизи Неъматова Юлдузнинг ўқишини Бухоро тиббиёт институтига кўчириб беришни ваъда қилиб, 5.500 АҚШ доллари олганлиги, Н.Рахмонов шу пулдан унга 5.000 АҚШ доллари ва Ю.Неъматованинг паспорт нусхасини берганлиги, ўз ўрнида у 100 АҚШ долларини олиб қолиб, қолган 4.900 АҚШ доллари ва Ю.Неъматованинг پاسпорти нусхасини Ф.Рахмановага берганлиги, лекин Ю.Неъматованинг ўқишини Бухоро тиббиёт институтига кўчириб бера олмаганлиги сабабли, 2022 йил май ойида Жомбой туман «Хасан Авто Лидер Транс» МЧЖ иш бошқарувчиси Ш.Исакуловдан оғзаки шартномага асосан ижарага олиб бошқариб юрадиган Лабо русумли 30 227 ЈВА давлат белгили автомашинани М.Каримовага пулини қайтаргунча гаров тариқасида бериб келганлиги, айти вақтда М.Каримовага етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги; яна шу каби, Н.Рахмонов 2022 йил февраль ойида Бухоро шаҳрида яшовчи Р.Саноевнинг ўқишини Чимкент тиббиёт институтидан Бухоро тиббиёт институтига кўчириб беришни ваъда қилиб, унинг онаси Ашурова Меҳридан 12.000 АҚШ доллари олиб, ушбу пулдан унга 10.000 АҚШ долларини берганлиги, ўз ўрнида ўзига 500 АҚШ доллари олиб қолиб, қолган 9.500 АҚШ долларини Ф.Рахмановага берганлиги, Ф.Рахмановауяли телефонида «Телеграмм» канали орқали Р.Саноевнинг ўқиши Бухоро тиббиёт институтига кўчирилганлиги ҳақидаги алоқа хатининг нусхасини жўнатганлиги, ушбу алоқа хатини Н.Рахмоновнинг «телеграмм» каналига жўнатганлиги, Н.Рахмонов эса алоқа хатини М.Ашуровага жўнатганлиги, лекин, ушбу алоқа хати қалбаки эканлиги сабабли, Р.Саноевнинг ўқиши кўчирилмаганлиги, ушбу хужжат сохта эканлигини билмаганлиги, М.Ашуровага ҳам етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, қонуний енгиллик беришни, кечирим сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи Ф.Абдирайимовнинг айби судда айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, жабрланувчининг кўрсатувлари билан ҳам тўлиқ ўз тасдиғини топди. Жумладан,

-жабрланувчи Исакулов Шухрат Ғаникуловичнинг, «Хасан Авто Лидер Транс» МЧЖ иш бошқарувчиси лавозимида ишлаши, МЧЖнинг балансида 10 дона Нексия-3, 9 дона Лабо ва бир дона Дамас-2 русумли автомашина мавжудлиги, 2021 йил 4 январь кунидан «Хасан Авто Лидер Транс» МЧЖни раҳбари сифатида ўғли Ғаникулов Дилшод Шухрат ўғли фаолият юритиши, Абдирайимов Фарҳоджон Хусан ўғлини 2021 йил январь-февраль ойларида таниши, у электриклик билан шуғулланганлиги боис, яшаш уйи ва бошқа тадбиркорлик объектларида электр қуввати ҳисоблагичини ўрнатиш ва бошқа шунга ўхшаш ишларни бажарганлиги, шу вақтларда, у Қозоғистонга ўқишга кирадиган танишлари бўлса киритиб беришини, ўқишга киритиб, кейинчалик танишлари орқали ўқишини Ўзбекистонга кўчириб бера олишини айтганлиги,



шу вақтларда, Ф.Абдирайимов Қозоғистон Республикасига тез-тез бориб келганлиги боис, унинг гапларига ишонганлиги, сўнг, 2021 йил январь ойида қизи Имомова (Ғаниева) Фарангиз Шухрат қизини Қозоғистон Республикаси Чимкент вилоятида жойлашган Мухтор Авезов номидаги Иқтисодиёт Университетга ўқишга киритиш мақсадида Ф.Абдирайимов билан гаплашганида, Ф.Абдирайимов ёрдам беришини, қизини ўқишга киритиб, қизи бир йил ўқигандан сўнг танишлари орқали ўқишини СамДУ ёки СамИСИга кўчириб беришни ваъда қилганлиги, Ф.Абдирайимов қизи Ф.Имомовани Қозоғистон Республикаси Чимкент вилоятида жойлашган Мухтор Авезов номидаги Иқтисодиёт Университетга ўқишга киритишни тахминан 1.000 АҚШ долларига, ўқишини Қозоғистон Республикасидан СамДУ ёки СамИСИга кўчириб беришлик хизматини 2.500 АҚШ долларига, жами 3.500 АҚШ долларига ҳал қилишини айтганлиги, Ф.Абдирайимов унга пулларни тўлиқ берганидан сўнг, 1-2 ой вақт ичида қизи Ф.Имомовани Қозоғистон Республикаси Чимкент вилоятида жойлашган Мухтор Авезов номидаги Иқтисодиёт Университетга ўқишга киритишни ваъда қилганлиги, 2021 йил февраль ойида Ф.Абдирайимовга дастлаб, 1.000 АҚШ долларини қизи Ф.Имомовани ўқишга киритиш учун берганлиги, у пулларни ва қизининг фуқаролик паспорти ҳамда Жомбой тумани маиший касб-хунар коледжини битирганлиги тўғрисидаги дипломини яшаш уйига келиб олиб кетганлиги, 2021 йил апрель-май ойларида қизи Ф.Имомова ўқишга кирганлиги тўғрисидаги хабарни эшитганлиги ва буни исботи сифатида Ф.Абдирайимов унга тегишли ҳужжатларни ҳам тақдим қилганлиги, сўнг, қизини ўқишини Қозоғистон Республикаси Чимкент вилоятида жойлашган Мухтор Авезов номидаги Иқтисодиёт Университетидан СамДУ ёки СамИСИга кўчириш учун май ойига қадар Ф.Абдирайимовга қолган 2.500 АҚШ долларни ҳам бўлиб берганлиги, Ф.Абдирайимов қизининг ўқишини кўчириш масаласи бўйича уни 2021 йил август-сентябрь ойларига қадар алдаб, вақтни чўзиб юрганлиги ва у ижтимоий тармоқнинг «Телеграмм» месенджери орқали қизи Ф.Имомовани СамИСИга ўқиши кўчирилганлиги тўғрисидаги шартномани ташлаб бериб, ярим йиллик шартнома пулини банк муассасасига тўлашини айтганлиги, қизи Ф.Имомовага банкка пул тўлаб келишини айтганида, у банкка борган вақтда, банк ходимлари қизига шартнома рақамларида хатолик борлигини айтишган эканлиги, сўнг, ўзи шартномани олиб, СамИСИга борганида, олийгоҳ ходимларидан шартнома СамИСИга тегишли эмаслигини ва қалбаки эканлигини, Ф.Абдирайимов уни алдаганлигини билганлиги ва Ф.Абдирайимовдан 3.500 АҚШ долларини қайтаришини сўраганлиги, аммо у қизини ўқиши кўчирилмаганлигини тан олмасдан, турли баҳоналар билан пулларни қайтаришдан бўйин товлаганлиги, Ф.Абдирайимов пулларни СамИСИда ишловчи Феруза исмли аёлга берганлигини айтганлиги, кейин Ф.Абдирайимовни топа олмаган вақтида, у берган Феруза исмли аёлнинг телефон рақамига кўнғироқ қилиб, шартнома қалбаки эканлигини айтиб, Ф.Абдирайимовни топиб беришини сўраганида, у ҳозир аниқлашини айтиб, телефон гўшагини қўйганлиги, шундан сўнг у билан бошқа боғлана олмаганлиги, 2021 йил апрель-май ойларида қизи Ф.Имомова ҳақиқатан ҳам Қозоғистон Республикаси Чимкент вилоятида жойлашган Мухтор Авезов



номидаги Иқтисодиёт Университетга ўқишга кирганлиги, аммо, Ф.Абдирайимов унинг ўқишини СамИСИга кўчириб бера олмаганлиги, қизининг фуқаролик паспорти ва Жомбой тумани маиший касб-хунар коледжининг дипломини Ф.Абдирайимов отаси қайтариб берганлиги, айтилган вақтда судланувчининг қариндошлари унга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаганлиги, судланувчига даъвоси йўқлиги ҳақидаги;

-жабрланувчи Мамаюсупова Насиба Нематуллаевнанинг, қизи Аъзамова Шаходат Алижон қизи 2020 йил сентябрь ойида Қозоғистон Узлуксиз Таълим Тиббиёт Университетининг «Умумий тиббиёт» факультетига ўқишга кириб, онлайн тартибда ўқиб келаётган бўлганлиги, 2021 йил октябрь ойининг бошларида Ш.Аъзамовани ўқишини Қозоғистон Республикасидан СамМИга кўчириш мақсадида турмуш ўртоғи Худайкулов Алижон билан Ф.Абдирайимовнинг Жомбой тумани марказидаги «Дехқон бозори» ичида жойлашган офисига бориб, у билан учрашиб, Ф.Абдирайимов билан гаплашганида, Ф.Абдирайимов Олий таълим вазирлигида таниши борлигини ва ушбу таниши орқали ёрдам беришлигини ваъда қилиб, кимгадир кўнғироқ қилиб, уларга ўқишини кўчириш мақсаласини ҳал қилишини, хизмат ҳақи 3.500 АҚШ доллари бўлишини маълум қилганлиги, Ф.Абдирайимов кимга кўнғироқ қилганлигини билмаслиги, Ф.Абдирайимов пулларни тўлиқ берганидан сўнг, бир ой ичида қизи Ш.Аъзамовани ўқишини СамМИга Олий таълим вазирлигида ишловчи таниши орқали кўчириб беришини ваъда қилганлиги, 2022 йил 20 октябрь куни Ф.Абдирайимовга 3.500 АҚШ долларини ўз яшаш уйида берганлиги, орадан уч кун вақт ўтиб, Ф.Абдирайимов унга кўнғироқ қилиб, ўқишини кўчириш масаласи ҳал бўлганлигини, ҳужжатларни топширганлигини, 2021 йил 05 ноябрь куни қизи Ш.Аъзамовани ўқишини кўчириш бўйича имтиҳон бўлишини айтганлиги, аммо, Ф.Абдирайимов қизи Ш.Аъзамовани имтиҳонга Тошкент шаҳрига чақирганлиги, қизи Тошкент шаҳрига кетаётган вақтида, унга Феруза исмли аёл кўнғироқ қилиб, қизига имтиҳонни ўзлари ҳал қилишларини, ўрнига бошқа қиз киришини айтиб қайтарган эканлиги, шахсан ўзи ҳам Феруза исмли аёл билан бир неча маротаба телефон орқали гаплашганлиги, у Ф.Абдирайимов билан ишлашини, иши ҳал бўлишини, қизининг ўқишини кўчириб беришини ваъда қилганлиги, 2022 йил январь ойида СамМИ биносига Феруза исмли аёл билан кўришганида, Феруза исмли аёл унга қизининг ҳужжатларини вазирликка топширганлигини, буйруқ чиққанлигини, қизи 24 январь кунидан дарсга чиқишини айтиб уни ишонтирган бўлганлиги, аммо, қизини ўқишга чақирмаганлиги, бу масалада Феруза исмли аёл билан гаплашганида, у қизи дарсга чикмай туришини, ҳужжатларида кимчилик борлигини айтганлиги, 2022 йил 28 январь куни СамМИга Ф.Абдирайимов унга 2021 йил 18 ноябрь куни берган СамМИнинг алоқа хатини олиб бориб текширтганида, ўқишга кирган ва ўқиши кўчирилган талабалар рўйхатида қизи Ш.Аъзамованинг фамилияси йўқлигини, Ф.Абдирайимов ва Феруза исмли аёл уни алдаганлигини билиб, Ф.Абдирайимовга кўнғироқ қилиб, изоҳ сўраганида, «бўлиши мумкин эмас»,-деб жавоб бериб, охиригача тан олмасдан, қизи Ш.Аъзамованинг ўқишини кўчирганлигини айтиб, уни яна алдаб, ёлғон гапларига ишонтиришга ҳаракат қилганлиги, Ф.Абдирайимов қизи



Ш.Аъзамованинг ўқишини Қозоғистон Узликсиз Таълим Тиббиёт Университетининг «Умумий тиббиёт» факультетидан СамМИга кўчиришда керак бўладиган ҳужжатларни Қозоғистон Республикаси ҳудудида тайёрлаш учун бўлиб-бўлиб яна 500 АҚШ долларини ҳам олган бўлганлиги, унга сўнги 1.700.000 сўм пулларни 100 АҚШ доллари ҳисобида пластик картасига 2022 йил 01 май куни ташлаб берган бўлганлиги, 2022 йил май ойида Ф.Абдирайимов ва Феруза исмли аёл телефонини ўчириб, қўнғироқларига умуман жавоб бермай қўйишганлиги, айти вақтда судланувчининг қариндошлари унга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаганлиги, судланувчига даъвоси йўқлиги ҳақидаги;

-жабрланувчи Марданова Насиба Келдиёровнанинг, 2020 йил сентябрь ойида Қозоғистон Республикаси Чимкент Давлат Университетининг «Бошланғич таълим» факультетига ўқишга кириб, «онлайн» тартибида ўқиб келаётган бўлганлиги, 2021 йилнинг охирида ўқишини Қозоғистон Республикаси Чимкент Давлат Университетининг «Бошланғич таълим» факультетидан СамДУга кўчириш мақсадида Жомбой тумани марказидаги «Дехқон бозори» ичида жойлашган Абдирайимов Фарҳоджон Хусан ўғлига тегишли офисига бориб, Ф.Абдирайимов билан гаплашганида, Ф.Абдирайимов ёрдам беришини, ўқишини Жиззах Давлат Университети ёки Тошкент шаҳар Низомий Давлат Педагогика Институтининг «Бошланғич таълим» факультетига кўчириб бера олишини айтганлиги, Ф.Абдирайимовнинг таклифига рози бўлгач, у хизмати 3.500 АҚШ доллари бўлишини айтганлиги ва пулларни тўлиқ берганидан сўнг, тез кунда ўқишини Низомий Давлат Педагогика Институтининг «Бошланғич таълим» факультетига кўчириб беришини ваъда қилганлиги, 2022 йил январь ойининг бошида Ф.Абдирайимовга 3.000 АҚШ доллари ва яна икки кун вақт ўтиб 500 АҚШ доллари, жами 3.500 АҚШ долларини ва 2005 йилда Жомбой тумани 17-сонли ўрта умумтаълим мактабини битирганлиги тўғрисидаги шаҳодатномани унинг офисида берганлиги, 2022 йил февраль ойига қадар Ф.Абдирайимовнинг гапларига ишониб, унга шартнома ҳужжатини беришини кутиб, у билан қўнғироқлашиб турганлиги, аммо, у ўқишини Қозоғистон Республикаси Чимкент Давлат Университетининг «Бошланғич таълим» факультетидан Низомий Давлат Педагогика Институтининг «Бошланғич таълим» факультетига кўчириб бера олмагач, ундан пулларни қайтариб беришини сўраганида, Ф.Абдирайимов эндиликда ўқишини Низомий Давлат Педагогика Институтининг «Бошланғич таълим» факультетига кўчириб бера олмаслигини, агар хоҳласа Тошкент вилоятидаги Чирчиқ Давлат Педагогика Институтига кўчириб бериши мумкинлигини айтганлиги, унинг бу таклифига ҳам рози бўлиб, яна кута бошлаганлиги, 2022 йил март ойининг бошларида Ф.Абдирайимов уни Тошкент вилоятидаги Чирчиқ Давлат Педагогика Институтига олиб борганлиги, у ерда олийгоҳнинг икки нафар ўқитувчиси чиқиб, Фируза исмли ўқитувчи аёл 1349-сонли шартномани берганлиги ва шу вақтда, Ф.Абдирайимов ундан яна 3.736.315 сўм пулларни ярим йилик шартнома (контракт) пули сифатида олиб, ижтимоий тармоқнинг «Телеграмм» канали орқали патта расмини юборганлиги, сўнг, Тошкент вилоятидаги Чирчиқ Давлат Педагогика Институтига «Телеграмм» канали орқали «онлайн»



ва «оффлайн» тарзида ўқий бошлаганлиги, чунки, Республикамизда пандемия сабабли, карантин эълон қилинган бўлганлиги, аммо, бир оз вақт ўтиб, «Телеграмм» каналида очилган группаларга уни алоқаси йўқлигини билиб, ўқишни сўраб-суриштирганида, ҳеч қандай ўқишга кирмаганлигини, ўқиши Қозоғистон Республикаси Чимкент Давлат Университетининг «Бошланғич таълим» факультетидан Низомий Давлат Педагогика Институтининг «Бошланғич таълим» факультетига кўчирилмаганлигини билиб, Ф.Абдирайимовга кўнғироқ қилиб, ҳолатга изоҳ сўраганида, у «бўлиши мумкин эмас»,-деб жавоб бериб, охиригача тан олмай, ўқишни кўчирганлигини айтиб, уни алдаб, ёлғон гапларига ишонтиришга ҳаракат қилганлиги, Ф.Абдирайимовдан 2022 йил апрель ойи бошига қадар кўнғироқ қилиб, ундан берган пулларини сўраганлиги, аммо, у пулларни қайтармаслигини айтиб, «ўқиш бўлади, давом этади»,-деб алдаб келганлиги ва апрель ойида телефонини ўчириб ташлаганлиги, Жомбой тумани 17-сонли ўрта умумтаълим мактабини битирганлиги тўғрисидаги шаҳодатномани отаси қайтариб берганлиги, айтилган вақтда судланувчининг қариндошлари унга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаганлиги, судланувчига даввоси йўқлиги ҳақидаги;

-жабрланувчи Джураева Дилбар Рашидовнанинг, ўғли Болтаев Нодирбек Абдуназар ўғли 2017 йилда Жомбой Маиший касб ҳунар коллежини тамомлаб, ҳозир тадбиркорлик билан шуғулланиши, 2021 йилда ўғлим Нодирбек Қозоғистон Республикаси Чимкент давлат Университетига ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича ўқишга кириш ниятида бўлганлиги ва шу мақсадда ҳужжат тайёрлаб юрганлиги, 2021 йил сентябрь ойида турмуш ўртоғи А.Джураев курсдоши Ҳ.Содиқовнинг ўғли Ф.Абдирайимов Жомбой туман «Дехқон бозори» худудида офис очиб, чет элга ўқишга кирмоқчи бўлган йигит-қизларга ҳужжат тайёрлаб бераётганлигини айтганлиги, Ф.Абдирайимовнинг телефон рақамини топиб, унга кўнғироқ қилиб, қандай ҳужжатлар тайёрлаш кераклигини сўраганида, у манзилни сўраб, ўзи келишини айтганлиги ва 2021 йи сентябрь ойининг охирида Ф.Абдирайимов уйига келиб, ўзи ҳам Қозоғистонда ўқиётганлигини, агар пулини келишса, ўғли Н.Болтаевни Мухтор Аvezов номидаги Чимкент давлат Университетининг юридик факультетининг сиртқи бўлимига 2-босқичга ўқишга киришига ёрдамлашишини, харажати 3000 АҚШ доллари бўлишини, 1-курс учун ҳам контракт пули тўлови, 2-курсга кириш контракт пули тўловлари ҳаммаси шу пулнинг ичида бўлишини, хизмат ҳақи ҳам шунинг ичида бўлишини айтганлиги, таклифига рози бўлишганлиги, Ф.Абдирайимов 3000 АҚШ долларини ва ўғлининг Жомбой Маиший касб-ҳунар коллежини битирганлиги ҳақидаги дипломини ва фуқаролик паспортини тайёрлаб қўйишини, пулларни Университетнинг ҳисобига ўтказишини, контракт пули ҳам шуни ичида бўлишини, бу ишларни ўзи тўғрилашини айтиб, уйдан чиқиб кетганлиги, 2021 йил октябрь ойининг бошларида Ф.Абдирайимов уйига келиб, келишилган 3000 АҚШ доллари, ўғлининг дипломи ва фуқаролик паспортини олиб кетганлиги, орадан бир ой вақт ўтгандан кейин Ф.Абдирайимов уйига келиб, ўғли Н.Болтаевнинг М.Аvezов номи Жанубий Қозоғистон давлат Университетининг 5 В030100-Юриспруденция факультетига қабул қилинганлиги ҳақида Университет қабул



комиссиясининг 25.08.2020 йилги 29с-сонли буйруғининг кўчирма нусхасини, шу Университетнинг Инновацион технологиялар таълими институтининг 2-курсда юриспруденция мутахассислиги бўйича сиртки бўлимда ўқиётганлиги ҳақида 19.10.2021 йилги 4264-рақамли маълумотнома ва ўғли Болтаев Нодирбек Абдуназар ўғли 2-курс студентлигини тасдиқловчи 325-рақамли студент билетини асл нусхаларини топшириб кетганлиги, бу хужжатларни кўрганидан кейин ўғли ҳақиқатдан ўқишга кирганлигига ишонганлиги, 2022 йил январь ойида Ф.Абдирайимов уйига келиб, ўғлининг ўқишини қишки имтиҳонларини ёпиш кераклигини айтиб, яна 400 АҚШ доллари олиб кетганлиги, 2022 йил май ойида Ф.Абдирайимов кўнғироқ қилиб, ўғлининг ёзги имтиҳонларини ёпиш кераклигини, ўзи Тошкентдалигини айтиб, пластик картасига 300 АҚШ доллари ўтказишини сўраб, пластик картасининг рақамини айтганлиги ва Миллий банк Жомбой филиалига бориб, 300 АҚШ долларини сўмга алмаштириб, Ф.Абдирайимовнинг пластик картасига ўтказганлиги, кейин, орадан вақт ўтиб, суриштириб, ўғли Н.Болтаев Чимкент давлат Университетида ўқиётган талабалар рўйхатида йўқлигини, Ф.Абдирайимов ўғли Н.Болтаевни ўқишга киритмаганлигини, алдаб, пулларини қўлга киритганлигини билганлиги, Ф.Абдирайимов ўғлининг фуқаролик паспортини қайтариб берганлиги, лекин коллеж дипломини қайтариб бермаганлиги, айни вақтда судланувчининг қариндошлари унга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаганлиги, судланувчига даъвоси йўқлиги ҳақидаги;

-жабрланувчи Туракулов Умид Тождиддин ўғлининг, Н.Рахмонов билан 2018 йилда Бухоро шаҳар юридик коллежида ўқиб юрган вақтларида танишиб қолганлигини, 2021 йилда Қирғизистон давлатининг Халқаро тоифадаги Университетининг «юридик факултети»га ўқишга кириб, ўқишини Нукус давлат Университетининг «юридик факултети»га кўчириш мақсадида танишларидан маслаҳат сўраганини, шунда Н.Рахмоновдан мазкур масала юзасидан маслаҳат сўраганида, ўқишини Нукус давлат Университетининг «юридик факултети»га кўчириш қўлидан келишини, эвазига хизмат ҳақи сифатида 3.600 АҚШ доллари бериши лозимлигини, барча қилинадиган ҳаракатлар қонун доирасида амалга оширилишини тушунтирганлигини, 2021 йил ноябрь ойи охирида 3.600 АҚШ долларини Вобкент туманида жойлашган Н.Рахмонов ва унинг оила аъзолари ишлайдиган ошхонанинг олдида Н.Рахмоновга берганлигини, бироқ Н.Рахмонов уни алдаб келганлигини, ҳозирда унга етказилган зарар яъни 3.600 АҚШ долларини тўлиқ қайтариб олганлиги, судланувчига даъвоси йўқлиги ҳақидаги;

-жабрланувчи Каримова Муқаддам Давроновнанинг, М.Рахмонов МДХ давлатларида ўқийдиган талабаларнинг ўқишини Ўзбекистон Республикасида жойлашган олий ўқув юртларига кўчириб бериш билан шуғулланишлигини айтганлигини, қизи Нематова Юлдуз Қирғизистон Республикаси Жалолобод шаҳрида жойлашган тиббиёт институтининг 1-босқич талабаси бўлганлиги сабабли унинг ўқишини Бухоро тиббиёт институтига кўчирмоқчи бўлиб, Н.Рахмоновга айтганлиги, 2022 йил 5 январь куни Бухоро шаҳар Ж.Икромий кўчасидаги савдо дўконига Н.Рахмонов келиб, Ю.Нематованинг ўқишини Бухоро шаҳридаги «Абу Али ибн Сино» номидаги Бухоро тиббиёт институтига 1 ой муддат ичида кўчириб беришни ваъда қилиб, жами 5.500 АҚШ долларини



олиб кетганлигини, кейин турли хил баҳоналар билан алдаб юрганлиги, Н.Рахмонов ва Ф.Абдирайимов билан 6 ой олдин танишганлиги, илгари ўзаро келишмовчилик ёки шахсий адоват бўлмаганини, унга етказилган 5.500 АҚШ доллари тўлиқ қайтариб берилганлиги, судланувчига даъвоси йўқлиги ҳақидаги;

-жабрланувчи Ашурова Мехри Ахматовнанинг, 2021 йил сентябрь ойида фарзанди Саноев Рамшид Қозоғистон Республикаси Чимкент шаҳридаги тиббиёт институтига ўқишга кирганлиги, Бухоро шаҳридаги тиббиёт институтига ўқишини кўчиришга қарор қилиб, Бухоро тиббиёт институтида дарс бериб келаётган Рахмонов Рашид билан шу масалада гаплашган вақтида, у Рахмонов Нодирбек исми таниши борлигини, у орқали бир нечта талабаларни Чимкент тиббиёт институтидан Бухоро шаҳридаги тиббиёт институтига ўқишларини кўчириб берганлигини билдирганлиги, кейин Н.Рахмонов билан ушбу масалада гаплашганида, Бухоро тиббиёт институтига кўчириш 12.000 АҚШ доллари бўлишини айтганлиги, сўнг жами 12.000 АҚШ долларини уч мартада, яъни биринчи марта 2022 йил 5 февраль куни Бухоро шаҳридаги тиббиёт институти олдидан ўтувчи автомобил йўли ёқасида «Матиз» русумли автомашина салони ҳайдовчи ўриндиғида Н.Рахмонов, унинг олдидаги йўловчи ўриндиқда Рашид ва орқа ўриндиқда у билан турмуш ўртоғи иштирокида 5000 АҚШ долларини берганлиги, 2022 йил 7 февраль куни 3000 АҚШ доллари бериб, бу ҳақда Н.Рахмоновдан тилхатлар ёздириб олганлиги, 2022 йил 11 февраль куни 4000 АҚШ долларини Н.Рахмоновнинг яшаш уйида бериб, бу ҳақида тилхат ёздириб олганлиги, жами 12.000 АҚШ доллари берганлиги, кейин Н.Рахмонов турли хил баҳоналар билан алдаб келганлиги, 2022 йил февраль ойида Н.Рахмонов телеграмм орқали ўғлининг ўқишини Бухоро тиббиёт институтига кўчирилганлиги тўғрисидаги алоқа хатидан нусха ташлаганлиги, алоқа хатини Рашидга олиб бориб берганлиги, ўша куни кечаси Рашид кўнғироқ қилиб, таниши Н.Рахмонов томонидан юборилган алоқа хати қалбаки эканлиги сабабли уни институт раҳбарияти безовта қилаётганлигини айтганлиги, етказилган 12.000 АҚШ доллари тўлиқ қайтариб берилганлиги, судланувчига даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатувлари билан;

Бундан ташқари, жиноят ишининг 1-жилд, 4, 9, 11-варақларидаги Н.Мардонованинг аризалари; ишнинг 26-варағидаги Н.Рахмоновнинг тилхати нусхаси (М.Каримовадан 5000 АҚШ доллари олганлиги тўғрисидаги); ишнинг 32-33, 36, 37, 39-42-варақларидаги Н.Мамаюсупованинг аризаси; ишнинг 59-60-варақларидаги Н.Мардонованинг номига расмийлаштирилган тўлов паттаси ва контракт шартномаси; ишнинг 70-варағидаги Ш.Азамованинг номига расмийлаштирилган ҳужжат нусхаси; ишнинг 71-95-варақларидаги уяли телефонлар орқали амалга оширилган ёзишмалар рўйхати; ишнинг 107-варағидаги Ш.Исакуловнинг аризаси; ишнинг 119-варағидаги Ф.Имомова билан тузилган шартнома нусхаси; ишнинг 190-193-варақларидаги Д.Ғаникуловнинг аризаси; ишнинг 242-247-варақларидаги Д.Джураеванинг аризаси, илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари;

-жиноят ишининг 2-жилд, 14-варағидаги М.Ашурованинг аризаси; ишнинг 17-19, 57, 61-варақларидаги тилхатлар; ишнинг 24-варағидаги Д.Арзиеванинг аризаси; ишнинг 66-68-варақларидаги телефон аппаратини



кўздан кечириш ва олиб қўйиш баённомаси, илова қилинган фотосуратлар; ишнинг 133-144-варақларидаги Н.Рахмоновга нисбатан чиқарилган ҳукм нусхаси; ишнинг 157-169-варақларидаги МЧЖ фаолиятига доир хужжатлар; юзлаштириш баённомалари; тушунтириш хатлари ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топди.

Судланувчи Ф.Абдирайимовнинг, бир гуруҳ бўлиб, такроран, фуқароларни пора беришга қизиқтириб, фирибгарлик йўли билан М.Ашурованинг 130.210.200 сўм кўп миқдордаги қийматга тенг бўлган 12.000 АҚШ долларини, Ш.Исакуловнинг 36.713.505 сўм анча миқдордаги қийматга тенг бўлган 3.500 АҚШ долларини, Н.Мамаюсупованинг 39.063.431 сўм 5 тийин анча миқдордаги қийматга тенг бўлган 3.650 АҚШ долларини, У.Туракуловнинг 38.653.416 сўм анча миқдордаги қийматга тенг бўлган 3.600 АҚШ долларини, М.Каримованинг 59.508.185 сўм анча миқдордаги қийматга тенг бўлган 5.500 АҚШ долларини, Н.Мардарованинг 37.926.735 сўм анча миқдордаги қийматга тенг бўлган 3.500 АҚШ долларини ва 3.736.315 сўм пул маблағини ҳамда Д.Джураеванинг 39.861.477 сўм анча миқдордаги қийматга тенг бўлган 3.700 АҚШ долларини қўлга киритиб, расмий хужжатларни такроран сохталаштириб, муҳим аҳамиятга эга бўлган жабрланувчиларнинг фуқаролик паспортлари ва дипломларини ғаразли ва паст ниятларда қўлга киритганликда ифодаланган айби суд мажлисида тўлиқ ўз тасдиғини топган бўлиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг жиноий ҳаракатлари ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «а, б» бандлари, 28,211-моддаси 2-қисмининг «а» банди, 227-моддаси 2-қисмининг «а» банди, 228-моддаси 2-қисмининг «а, б» бандлари билан тўғри ва асосли квалификация қилинган.

Бироқ, дастлабки тороов органи томонидан Ф.Абдирайимов сохта хужжатдан фойдаланиш квалификация белгиси, яъни ЖК 228-моддасининг 3-қисми билан нотўғри ва асоссиз айбланган.

Хусусан, Ф.Абдирайимов ва унинг жиноий шериклари расмий хужжатларни такроран қалбакилаштиришиб, фуқароларга уларни ишонтириш мақсадида тақдим қилишган бўлсаларда, бироқ, ушбу хужжатлардан фойдаланишмаган, сохталаштиришган хужжатларни фуқаролардан алдаб олган пуллари учун уларни ишонтириш мақсадида шундай йўлни тутишган.

Бу вазиятда, уларни сохта хужжатлардан фойдаланган деб бўлмайди.

Шу сабабли суд, судланувчи Ф.Абдирайимовни ЖК 228-моддасининг 3-қисми билан айбсиз деб топиб, оқлашни лозим топди.

Суд, судланувчи Ф.Абдирайимовга жазо тайишлаш ва айблаш масаласини муҳокама қилган ҳолда қуйидаги мазмундаги тўхтамга келди. Жумладан,

Суд, судланувчи Ф.Абдирайимовга жазо тайинлашда, жазони енгиллаштирувчи томонларидан айбига иқрор бўлиб, содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий аҳволини, қарамоғида бир нафар фарзанди борлигини, муқаддам судланмаганлигини, етказилган зарар суммаси оила аъзолари томонидан фуқароларга қайтарилганлигини, шунингдек жазони оғирлаштирувчи томонларидан паст ниятларда қасддан жиноят содир этганлигини инобатга олди.

Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахсларни янги



жиноят содир этишини олдини олиш мақсадида қўлланилиши назарда тутилган бўлиб, бу ҳолатда судланувчи Ф.Абдирайимов қасдан оғир жиноят содир этган бўлиб, ушбу иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар туркумига кириб, жамият учун ижтимоий хавфлилик даражаси юқори эканлигига алоҳида баҳо берган ҳолда, жазони енгиллаштирувчи томонларини у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, судланувчи Ф.Абдирайимовни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкинлиги тўғрисида қатъий хулосага келиб, унга

ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «а, б» бандлари, 227-моддаси 2-қисмининг «а» банди ва 228-моддаси 2-қисмининг «а, б» бандлари билан муайян муддатга ахлоқ тузатиш ишлари, ЖК 28,211-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан эса ЖК 57-моддасини қўллаб, озодликни чеклаш тарзидаги жазо чораларини тайинлашни, ЖК 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни ЖК 61-моддаси тартибида қисман қўшиш йўли билан, узил-кесил озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, Ф.Абдирайимовга қўлланилган эҳтиёт чорасини бекор қилиб, дарҳол суд залидан қамокдан озод этишни, Ф.Абдирайимов 2022 йил 27 ноябрдан 2023 йил 18 январга қадар қамокда сақланган 53 кунни тайинланган жазо муддатидан ЖК 62-моддаси тартибида чегиришни, унга яшаш уйидан тунги вақтда чиқишни чеклашни белгилашни, шунингдек, жиноят содир этилиши усули ва ҳолатларини инобатга олган ҳолда, судланувчи Ф.Абдирайимовга Самарқанд вилоят Жомбой туман ИИБ пробация гуруҳининг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Самарқанд вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмасликдан иборат қўшимча чеклашларни юклашни, худди шунингдек, уни ўрнатилган тақиқлар (чекловлар) ни бузган тақдирда, қўлланилган жазо бошқа оғирроқ турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиришни лозим топди.

Шу қатори суд, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят иши ҳужжатларига қўшилган Ф.Абдирайимов ва Ф.Рахмановаларнинг жабрланувчи Н.Марданова билан СМС ёзишмалари, Чирчиқ ДПИ билан жабрланувчи Н.Марданова ўртасида тузилганлиги кўрсатилган 1349-сонли «Тўлов-контракт асосида мутахассис тайёрлаш» қалбаки контракт шартнома, Самарқанд ИСИ билан Ф.Имомова ўртасида «Таълимнинг сиртки ва кечки шакли бўйича Мутахассис тайёрлаш ва икки томонлама шартнома» тузилганлиги ҳақида 2022 йил 28 январь санаси билан тўлдирилган 429-сонли қалбаки шартнома, Н.Болтаев М.Авезов номли Жанубий Қозоғистон Давлат Университетининг Юриспруденция факультетига ўқишга қабул қилинганлиги ҳақида Университет қабул комиссиясининг 25.08.2020 йил санаси қўйилган 29с-сонли қалбаки буйруғи, шу Университетнинг Инновацион технологиялар таълими институтининг 2-курсида юриспруденция мутахассислиги бўйича сиртки бўлимда ўқиётганлиги ҳақида 19.10.2021 йил санаси қўйилган 4264-рақамли қалбаки маълумотнома ва Н.Болтаевнинг 2-курс студентлигини тасдиқловчи 2020 йил 14 октябрь санаси қўйилган 325-рақамли қалбаки студент билетини ҳамда жиноят иши ҳужжатларида мавжуд бўлган тинтув жараёни тасвирланган дискни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлаш юзасидан чора белгилашни лозим топди.



Шу қатори, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг 17-бандида пора предмети суд ҳукми билан давлат эғалигига ўтказилиши назарда тутилган бўлиб, фуқаролар Исакулов Шухрат Ганикулович, Мамаюсупова Насиба Нематуллаевна ҳамда Марданова Насиба Келдиёровналар судланувчи Ф.Абдирайимовга пулларни пора тариқасида беришганлиги, бироқ судланувчининг яқин қариндошлари томонидан уларга пул маблағлари қайтарилганлиги боис, суд, манфаатдор тарафларга Ш.Исакулов, Н.Мамаюсупова ҳамда Н.Мардановалардан пора суммасини давлат эғалигига ундириш юзасидан фуқаролик иш юритуви тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари мавжудлигини тушунтиришни, шу қатори, Н.Болтаевнинг Жомбой Маиший касб-хунар коллежини битирганлиги тўғрисидаги дипломи қайтарилмаганлигини инобатга олишни, жабрланувчи Джураева Дилбар Рашидовнага тегишли тартибда дипломнинг дубликатини олиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни лозим топди.

Баён этилганга кўра суд, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 454-457, 460, 462-476-моддаларини қўллаб, ҳукм қилди.

Ҳ У К М :

Судланувчи Абдирайимов Фарҳоджон Ҳусан ўғли, Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддасининг 3-қисми билан оқлансин.

Судланувчи Абдирайимов Фарҳоджон Ҳусан ўғли, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «а, б» бандлари, 28,211-моддаси 2-қисмининг «а» банди, 227-моддаси 2-қисмининг «а» банди, 228-моддаси 2-қисмининг «а, б» бандлари билан айбли деб топилсин.

ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «а, б» бандлари билан ҳар ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ЖК 28,211-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан ЖК 57-моддаси қўлланилиб, 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

ЖК 227-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан ҳар ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ЖК 228-моддаси 2-қисмининг «а, б» бандлари билан ҳар ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ЖК 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни ЖК 61-моддаси тартибида қисман қўшиш йўли билан, узил-кесил 3 (уч) йил 1 (бир) ой 23 (йигима уч) кун муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Абдирайимов Фарҳоджон Ҳусан ўғлига қўлланилган эҳтиёт чораси бекор қилиниб, дарҳол суд залидан қамоқдан озод этилсин.

Судланувчи Ф.Абдирайимов 2022 йил 27 ноябрдан 2023 йил 18 январга қадар қамоқда сақланган 53 (эллик уч) кун тайинланган жазо муддатидан ЖК 62-моддаси тартибида чегирилиб, қатъий ўташлик учун 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.



Судланувчи Абдирайимов Фарҳоджон Ҳусан ўғли, яшаш жойидан, яъни Жомбой туман, Жомбой шаҳар, Самарқанд маҳалласи, Улуғбек кўчаси, 1-берк кўча, 12-уйдан тунги соат 22:00дан эрталаб соат 06:00гача чиқиши чеклансин.

Абдирайимов Фарҳоджон Ҳусан ўғлига қуйидаги;

-Жомбой туман ИИБ нинг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Самарқанд вилояти худудидан ташқарига чиқмасликдан иборат қўшимча чеклашлар юклатилсин.

Судланувчи Абдирайимов Фарҳоджон Ҳусан ўғлининг устидан назорат қилиш вазифаси Жомбой туман ИИБ пробаця гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Судланувчи Абдирайимов Фарҳоджон Ҳусан ўғлига ЖКнинг 48-1-моддаси 6-қисми талаби, яъни жазони ўташдан бўйин товлаган ҳамда юклатилган мажбуриятларини бажармаган тақдирда, озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддати бошқа оғирроқ жазо чораси билан алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Озодликни чеклаш муддати маҳкум жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят иши ҳужжатларига қўшилган СМС ёзишмалар, қалбаки ҳужжатлар ҳамда жиноят иши ҳужжатларида мавжуд бўлган тинтув жараёни тасвирланган диск жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Манфаатдор тапграфларга фуқаролар Исакулов Шухрат Ганикулович, Мамаюсупова Насиба Нематуллаевна ҳамда Марданова Насиба Келдиёровналардан пора предмети ҳисобланган пулларни ундириш юзасидан фуқаролик иш юритуви тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари мавжудлиги тушунтирилсин.

Н.Болтаевнинг Жомбой Маиший касб-ҳунар коллежини битирганлиги тўғрисидаги дипломи қайтарилмаганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози томонлар, шу жумладан судланувчи, жабрланувчилар ва манфаатдор шахслар ҳукмнинг нусхасини олган вақтдан бошлаб йигирма сутка муддат ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят қилишга ва протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

А.Абдуразаков

